

# Саноат Корхоналари Самарадорлигининг Иқтисодий Мазмуни

*Эшонов Муҳаммад Айюб Хошимжон ўғли<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Мақолада саноат корхоналарининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги батафсил ёритиб берилган. Самарадорлик турлари тушунтириб ўтилган.

**Ключевые слова:** Самара, самарадорлик, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий самарадорлик, маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, корхоналарни бошқариш самарадорлиги, реализация самарадорлиги, иқтисодий самарадорлик.

Саноат корхоналарини ривожлантириш бугунги кундаги асосий вазифа ҳисобланади. Чунки, саноат барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатидан бирлашиши, яъни иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Натижада табиий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан, ишлаб чиқариш инновацияларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари юзага келади. Иқтисодиётга янги технологиялар жорий этиш мамлакат ишлаб чиқариш кўламини самарали ва сифат жиҳатидан ривожланишини таъминлайди.

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётида ҳам мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш даражаси аҳоли турмуш фаровонлигига бевосита боғлиқ. Саноат корхоналарини ривожланиши асосида ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда саноат корхоналарини иқтисодий ва илмий-техник салоҳиятни янада оширилаётганлиги, иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг такомиллашаётганлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларига бўлган эътиборни биринчи ўринга қўйди. Мамлакатда саноат тармоғини ривожлантириш асосида мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш яхшиланади ҳамда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда ҳам саноат тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида «аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баравар кўпайтириш<sup>2</sup>» вазифаси белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланишни яхшилаш, техника-технологияларни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни бозор талаби асосида ташкил этиш ва рақобатбардошлиликни таъминлаш ва меҳнат самарадорлигини таъминлаш зарур. Бунда саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш, самарадорликка таъсир кўрсатувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш ва самарадорликни ошириш имкониятларини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш фоят долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Маълумки, ишлаб чиқаришни ривожлантириш икки хил, миқдор ва сифат ёки экстенсив ва интенсив йўлда амалга оширилади. Агар тақрор ишлаб чиқариш соҳаси кенгайтирилса,

<sup>1</sup> Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти доценти, и.ф.н.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.



экстенсив суратдаги ривожланиш бўлса, аксинча янги технологияларни жорий қилиш интенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш юзага келади. Хеч бир мамлакат иқтисодиёти ва унинг соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқаришнинг бир турига мансуб бўлмайди.

Ўзбекистон саноатида ана шу икки йўлдан оқилона фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги босқичма-босқич ўсиб бормоқда. Мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ҳам ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришга қаратилган. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш, ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш, бошқарувни оқилона юритиш шакллари жорий этишга асосланади. Бунда, биринчи навбатда саноат корхоналаридаги мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланишни яхшилаш мақсадга мувофиқдир.

Самарадорлик - бу, фойдалилик, натижалиликдир. Маълумки, қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш керак. Самарадорликни аниқлаш учун олинган натижани сарфланган харажат ёки ресурсларга нисбати орқали аниқланади.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш ҳажми ва ишлаб чиқариш харажатлари ўзгаришига боғлиқ бўлади. Демак иқтисодий самарадорлик бир-бирлик харажат ҳисобига олинган даромадни ифодаласа, самара натижани сифат жиҳатининг рентабеллигини ифодалайди.

Демак иқтисодий нуқтаи назардан самара ишлаб чиқариш жараёнининг мутлоқ натижаси ҳисобланади.

Бундан, самара, самарадорлик, натижа, фойда тушунчаларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- самара – хўжалик юритувчи субъектларни муайян иқтисодий фаолият натижаси ҳисобланиб, маълум давр давомида хўжалик юритувчи субъектларнинг якуний натижаларини тавсифловчи миқдор ва сифат кўрсаткичидир;
- самарадорлик – бу муайян давр давомида иқтисодий фаолият юритувчи субъектларнинг ҳолати, эришилаётган натижалар ва маҳсулот бирлиги учун сарфланаётган харажатлар ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткичдир;
- натижа (фойда) – маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар ва даромадлар ўртасидаги фарқдир.

Саноат корхоналарнинг асосий мақсади (самара) фойда олиш ҳисобланади, лекин ҳар доим ҳам якуний натижа фойда билан яқунланмайди. Бироқ фаолият натижасида иқтисодий самарадорликка ҳам эришиш мумкин. Бу бевосита ижтимоий самарадорликни оширади. Иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик бир бирига боғлиқ бўлиб, иқтисодий самарадорлик даромаднинг ўзгариши ва харажатлар ўзгариши тенденциялари орқали якуний натижа фойда олиш ҳисобланади. Ижтимоий самарадорлик эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва меҳнат шароитларини яхшиланишига боғлиқ бўлади.

Иқтисодий самарадорликни таъминлаш мураккаб жараён бўлиб, корхоналарнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа барча жараёнларини қамраб олувчи муносабатларга боғлиқ. Иқтисодий жараёнлар корхона томонидан бошқарилади ва тартибга солинади, ижтимоий ва ҳуқуқий жараёнлар назорат қилинмайди, лекин самарадорликни таъминловчи асосий омил саналади.

Иқтисодий самарадорлик манфаатли иқтисодий ўсиш бўлса, ижтимоий самарадорлик – бу хўжалик фаолиятининг натижаларини жамиятнинг, хўжаликнинг мақсади ва эҳтиёжларига, унинг аъзолари манфаатларига мос келишини англатади.

Демак, ижтимоий самарадорлик умумий тарзда учта йўналишда бирлашади:

- ✓ истеъмолчиларни эҳтиёжларини қондира олиш даражаси
- ✓ ходимлар турмуш тарзи ва даромадлиги



✓ ижтимоий инфратузилмалар (ошхона, боғча)

Демак ижтимоий самарадорлик иқтисодий самарадорликнинг асоси ҳисобланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга, маҳсулот нархи, сифати, рақобатбардошлиги ва истеъмолчилар даромади ўзгаришига асосланади. Шу билан бирга ишчи ходимлар турмуш тарзи ва даромадлилиги ҳолати, меҳнат ҳақлари, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга асосланади.

Корхоналардаги мавжуд ижтимоий инфратузилмаларнинг ҳолати, ишчи ходимлар учун яратилаётган шароитлар, маданий маиший объектлар фаолияти ҳам бевосита ижтимоий самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига иш вақтидан фойдаланиш даражаси ҳам таъсир кўрсатади ва иқтисодий самарадорлик ортишини таъминлайди. Бундан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш натижалари меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик бир бирига боғлиқ бўлиб, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни яхшилашга (меҳнат шароитлари, рағбатлантиришлар, меҳнат меъёрлари) асосланади. Демак самара (фойда) ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш билан бирга, иқтисодий самарадорлик даражаси ва ижтимоий самарадорликка боғлиқ бўлади.

Самара ишлаб чиқариш натижасини ифодаласа, самарадорлик иқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришини белгилайди. Бундан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгариши ва ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, ўзаро нисбати асосида иқтисодий самарадорлик юзага келади.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, шуни айтиш жоизки, иқтисодий самарадорлик – саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва истеъмолчилар эҳтиёжини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини меъёрлаштириш, маҳсулотлар сифатини ва ресурслар сарфини тежаш ҳамда самарали талабни шакллантиришдан иборатдир.

Шундай қилиб саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги мақсадли фаолиятни тавсифлайди ва фойдаланилаётган табиий, иқтисодий, техник ва бошқа ресурслардан оптимал фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Самарадорлик турлари тўғрисида гап кетганда, қуйидагиларни келтириш ўринлидир:

**Маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги.** Самарадорликнинг бу тури маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳисобланиб, ресурслар сарфи ва маҳсулот бирлигига тўғри келувчи харажатлар ўзгариши асосида баҳоланади.

**Маҳсулот ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги.** Бу турдаги самарадорлик хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятдан олинаётган натижаларни муайян турдаги ресурсларга нисбати асосида ўрганилади. Ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этадиган моддий ресурслар, капитал маблағлар ва меҳнат салоҳияти билан боғлиқ харажатлар ва уларнинг алоҳида тури бўйича ифодаланиши мумкин.

**Корхоналарни бошқариш самарадорлиги.** Корхоналар фаолиятини ташкил этилиши, ишчи ходимларни муайян мақсад асосида фаолиятини юритишини таъминланиши, маҳсулот ва хизматларнинг янги турларини жорий қилиниши, ташкилотнинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, қарорларни қабул қилиш жараёнларини ахборот билан таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, корхонанинг бозордаги мавқеи ҳамда якуний натижа фойда кўрсаткичларини ўзгариши асосида баҳоланади.

**Реализация самарадорлиги.** Маҳсулотлар, нархи, реклама, сотувдан кейинги хизмат асосида баҳоланиб, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми мутоносиблигига асосланади.

**Иқтисодий самарадорлик.** Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ўзгариши, маҳсулот бирлиги учун сарфланаётган ресурслар сарфи ўзгариши асосида баҳоланади.



Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш масаласи мамлакат иқтисодиётининг деярли барча тармоқлари, айниқса, қайта ишлаб чиқариш сектори учун долзарбдир. Мамлакат иқтисодиётининг имкониятларидан келиб чиқиб, тўқимачилик саноат корхоналарини аҳамияти юқори. Хом ашё базасини мавжудлиги, экспорт имкониятлари юқорилиги ва ишчи кучи нисбатан арзонлиги маҳаллий корхоналарни хорижий ишлаб чиқарувчилар каби рақобатбардош ва самарали фаолият юритиш имкониятлари юқорилигини таъминлайди.

